



## МЕҲНАТ ҚИЛИШ ҲУҚУҚИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ КАФОЛАТЛАРИ КУЧАЙТИРИЛМОҚДА

---

*Фаррух Халимжонович Донияров,*

*Телефон: +998(90) 319 85 00*

*Danifarrukh85@gmail.com*

**Аннотация:** Мажбурий меҳнат - халқаро стандартларда ушбу тушунчанинг та'рифлари. Шу билан бирга, қонунчилигимизда мажбурий меҳнат тушунчасига ҳам аниқлик киритилди. Миллий қонунчилигимизда мажбурий меҳнатнинг олдини олиш ва тўхтатиш бўйича кўрилаётган чоратadbирлар қисман кўрсатилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификатсия қилинган Конвентсиялар асосида белгиланиши лозим бўлган мажбурий меҳнат ва жавобгарликнинг олдини олиш самарадорлигини ошириш масалалари қисман ўрганилиб, фикр ва мулоҳазалар билдирилди. Шу билан бирга, фуқаролик шартномаларини тузишнинг о'зига хос жиҳати ко'рсатилган.

Фуқаролик шартномалари асосида иш олиб бораётган ишчилар мажбурий меҳнат учун жавобгарликка тортилиши мумкин бўлган ҳолатлар кўрсатилган.

Калит со'злар. мажбурий меҳнат, ма'мурий тарзда мажбурлаш, фуқаролик шартномаси, мажбурий ёки мажбурий меҳнат, доимий муассаса.

## КОНСТИТУЦИОННЫЕ ГАРАНТИИ ПРАВА НА ТРУД УКРЕПЛЯЮТСЯ

---

Фаррух Халимжонович Донияров

**Аннотация:** Принудительный труд – определения этого понятие в международных нормах. В то же время уточнено определение принудительного труда в нашем законодательстве. Частично указаны меры, принятые в нашем национальном законодательстве по предотвращению и прекращению принудительного труда. Кроме того, частично изучены вопросы повышения эффективности профилактики принудительного труда и ответственности, которые должны быть определены на основе Конвенций, ратифицированных Республикой Узбекистан, и высказаны мнения и комментарии. При этом показан своеобразный аспект составление гражданско-правовых договоров.



Освещены ситуации, которые могут возникнуть, когда работники, действующие на основании договоров гражданско-правового характера, могут быть привлечены к ответственности за привлечение к принудительному труду.

Ключевые слова. принудительный труд, административное принуждение, гражданско-правовой договор, принудительный или принудительный труд, постоянное учреждение.

## CONSTITUTIONAL GUARANTEES OF THE RIGHT TO LABOR ARE STRENGTHENED

Фаррух Халимжонович Донияров

Abstract: Forced labor - definitions of this concept in international standards. At the same time, the definition of forced labor in our legislation has been clarified. The measures taken in our national legislation to prevent and stop forced labor are partially indicated. In addition, the issues of increasing the effectiveness of the prevention of forced labor and liability, which should be determined on the basis of the Conventions ratified by the Republic of Uzbekistan, were partially studied, and opinions and comments were expressed. At the same time, a unique aspect of the drafting of civil contracts is shown.

Keywords. forced labor, administrative coercion, civil contract, forced or forced labor, permanent establishment.

## МЕҲНАТ ҚИЛИШ ҲУҚУҚИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ КАФОЛАТЛАРИ КУЧАЙТИРИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида Меҳнат кодексида ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Қонунида ҳам мажбурий меҳнат таъқиқланганлиги бугунги кунда ҳамма учун маълум. Аҳолини ҳуқуқий онги ошиши, шу билан бирга мажбурий меҳнатнинг олдини олиш юзасидан вазирлик ва ташкилотларнинг ҳуқуқий тарғибот ва ташвиқотларининг натижаси махсули деса бўлади.

Ўзбекистон Республикаси томонидан Ҳалқаро Меҳнат Ташкилотининг “Мажбурий меҳнат тўғрисида”ги 29-Конвенцияси, “Мажбурий меҳнатни тугатиш тўғрисидаги 1957 йилги 105- Конвенция ратификация қилинган. Мамлакатимизда Ҳалқаро Меҳнат Ташкилотининг мажбурий меҳнатга оид конвенцияларида белгиланган мажбуриятлари бажарилишини



мукаммаллаштириш юзасидан ўтган йиллар давомида муҳим ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Мирзиёев Шавкат Миромонович Конституциямиз қабул қилинган куннинг 25 йиллиги муносабати билан бўлиб ўтган тантанали маросимда ва БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясида Халқаро Меҳнат Ташкилоти билан ҳамкорлик ва болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга барҳам бериш бўйича чоралар кўрилган чора-тадбирларлар ҳақида айтиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси “Халқаро Меҳнат Ташкилотининг 1930 йилдаги Мажбурий меҳнат тўғрисидаги 29-сонли конвенциясига баённома, “Халқаро меҳнат ташкилотининг қишлоқ хўжалигида меҳнат инспекцияси тўғрисида”ги 129-сонли 83-Конвенцияси, “Халқаро меҳнат ташкилотининг саноат ва савдода меҳнат инспекцияси тўғрисида”ги 81-сонли Конвенцияси ратификация қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 51-моддасига ўзгартиришлар киритилди. Меҳнатга маъмурий тарзда мажбурлаш учун жавобгарлик кучайтирилди. Юқоридаги амалга оширилган ишлар Республикамиз томонидан мажбурий меҳнатни олдини олиш ва тугатиш бўйича қатъий йўлда эканлигини кўрсатади. Шу билан бирга, қуйидаги масалаларга эътибор бериш лозим деб ҳисоблаймиз.

1. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 19-моддасида иш берувчилар кўрсатиб ўтилган. Унга кўра, қуйидагилар иш берувчилар сифатида иш юритиши мумкин:

мулкчилик шаклидан ва идоравий мансублигидан қатъи назар, ташкилотлар;

ташкилотларнинг филиаллари, ваколатхоналари ёки бошқа алоҳида таркибий бўлинмалари (бундан буён матнда ташкилотларнинг алоҳида бўлинмалари деб юритилади);

жисмоний шахслар.

Жисмоний шахслар қуйидаги ҳолларда иш берувчилар бўлиши мумкин:

агар улар юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи яқка тартибдаги тадбиркорлар сифатида рўйхатга олинган бўлса;

агар улар ўзига хизмат кўрсатилиши ва уй хўжалигини юритишда ёрдамлашиш мақсадида уй хизматчиларини ёллашни амалга оширса;

агар қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда уларнинг касбий фаолияти рўйхатдан ўтказилиши ва (ёки) лицензияланиши лозим бўлса ҳамда улар



мазкур фаолиятни амалга ошириш мақсадида ходимлар билан меҳнатга оид муносабатларга киришган бўлса.

. Солиқ қонунчилигида “доимий муассаса” атамаси қўлланилади ва ҳозирда Республикамизда жуда кўплаб доимий муассасалар фаолият олиб боради. Бу доимий муассасалар ходимлари билан меҳнат шартнома тузмаган ҳолда фаолият юритади. Сабаби уларга берилган ишончномада меҳнат шартномаси тузиш ҳуқуқи берилмаган. Доимий муассасаларда ходимлар фуқаролик-ҳуқуқий шартнома асосида фаолият юритади. Ушбу доимий муассасалар томонидан ҳозирги кунда ходимларни фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар асосида ишга жалб қилинган ҳолда фаолият олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 11-моддасида ходим билан иш берувчи ўртасидаги яқка тартибдаги меҳнатга оид муносабатларни ҳақиқатда тартибга соладиган фуқаролик-ҳуқуқий хусусиятга эга шартномалар тузиш тақиқланиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 51-моддасига асосан жарима солинишига асос бўлиши лозим. Жарима эса давлат меҳнат ҳуқуқ инспекцияси инспектори томонидан солиниши лозим. Лекин Давлат меҳнат инспекцияси меҳнат қонунчилигини давлат назоратини амалга оширади. Меҳнат қонунчилигига кўра ходим ва иш берувчи бўлиши лозим. Доимий муассасалар томонидан тузилган шартномада “тарафлар” мавжуд. Халқаро Меҳнат Ташкилоти Бош Конференциясининг 14- сессиясида 1930 йил 28 июнда қабул қилинган “Мажбурий меҳнат тўғрисида”ги 29-Конвенциянинг 2-моддасида “зўраки ёки мажбурий меҳнат” атамаси ихтиёрий равишда ўз хизматларини тақлиф этмаган ҳар қандай шахсдан ҳар қандай жазолаш таҳдиди остида талаб қилинадиган ҳар қандай иш ёки хизматни амалга ошириши белгиланган. Юқоридаги таърифда иш берувчи ходим ва бошқалар ҳақида кўрсатиб ўтилмаган. Таърифдан келиб чиқадиган бўлсак ҳар қандай меҳнатга мажбурлаш, зўрлаш жавобгарликка тортилиши лозимлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 51-моддаси “Меҳнатга маъмурий тарзда мажбурлаш” деб номланган. Ушбу модда “Меҳнатга мажбурлаш” номига ўзгартириш лозим деб ҳисоблайман. Чунки Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган конвенцияларда ҳам ҳар қандай меҳнатга мажбурлаш кўзда тутилган. Бу конвенцияларнинг қонунчиликка имплементациясини мукамаллаштиришига олиб келади. Республикамизда амалга оширилаётган ишлар, қабул қилинган ва қабул қилиниши белгиланган норматив ҳуқуқий ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси томонидан



ратификация қилинган конвенцияларда белгиланган мажбуриятини тўлик бажарилиши билан бир қаторда инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлида давом этаётганлигини аңлатади.

### Фойданалинган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Конституциямиз қабул қилинган куннинг 25 йиллиги муносабати билан бўлиб ўтган тантанали маросимдаги нутқидан; <http://president.uz/uz/lists/view/1328>.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясидаги нутқидан. [www.uza.uz](http://www.uza.uz)
3. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. <https://lex.uz/docs/97664>
4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. <https://lex.uz/docs/6257288>
5. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. <https://lex.uz/docs/4674902>
6. Мажбурий меҳнат тўғрисидаги Конвенция // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. <https://lex.uz/docs/2741082>